

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

93 Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари берганлик учун тушаётган маблағлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 6 апрелдаги 104-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг биометрик ҳужжатлар берганлик учун тушадиган бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари берганлик учун тушаётган маблағлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 6 апрелдаги 104-сон қарорининг 1-банди «б» кичик бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 26-модда):

а) тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

биометрик паспорт тизимини модернизация қилиш учун импорт ускуна ва дастурий таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар сотиб олиш»;

б) бешинчи хатбошидаги «хорижий пудратчилар» сўзлари «хорижий пудратчилар ёки Ўзбекистон Республикасининг пудрат ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 февраль,
73-сон